

А Ж Р И М  
(ярашганлик муносабати билан жиноят ишини  
ҳаракатдан тугатиш тўғрисида)

2022 йил январь ойининг 28 куни жиноят ишлари бўйича Бешариқ туман суди, Бешариқ тумани “Чорбоғ” МФЙ бинотида, очиқ сайёр суд мажлисида, раислик қилувчи Н.Саломов, З.Саримсоқовнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Бешариқ туман прокурори ёрдамчиси Д.Усмонова, судланувчи Шерқўзиёв Жаҳонгир Рафиқжон ўғлининг ҳимоячиси “Ҳуқуқий муносабат” адвокатлик бюроси адвокати Д.Назирова, судланувчи Шерқўзиёв Жаҳонгир Рафиқжон ўғли, жабрланувчи Хайдарова Мукаррамхон Узоқовна ва фуқаровий даъвогар Хайдаров Соҳибжон Назировичларни иштирокида,

Судланувчи: Шерқўзиёв Жаҳонгир Рафиқжон ўғли (Sherqo'ziyev Jaxongir Rafiqjon o'g'li) 15.04.1994 йилда Қўқон шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, бўйдоқ, муқаддам судланмаган, мавсумий ишчи, Қўқон шаҳар, Бекбўтабек кўчаси, 131-уйда яшайди, иш бўйича муносиб ҳулқ атворда бўлиш ҳақида “тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 25.11.2021 йил куни олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисми билан судланувчи Шерқўзиёв Жаҳонгир Рафиқжон ўғлига нисбатан юритилган №1-1503-2101/1268-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А н и қ л а д и :

Шерқўзиёв Жаҳонгир Рафиқжон ўғли 2021 йил 03 октябрь куни соат тахминан 03:30 да бошқарувида бўлган Қўқон шаҳар “DAILY TRANS” МЧЖга тегишли “Nexia” русумли 40 А 026 РА давлат белгили автомобилани бошқариб, амалдаги “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 31-бандида кўрсатилган “Қизил ишора, шунингдек милтиловчи қизил ишора ҳаракатланишни тақиқлайди” 41-бандида “светофор (реверсивдан ташқари)нинг ёки тартибга солувчининг тақиқловчи ишорасида ҳайдовчилар транспорт воситаларини тўхташ чизиғи олдида, бундай чизиқ бўлмаганда эса: чорраҳанинг қатнов қисми билан кесишган жойида тўхтатиш керак” деб кўрсатилган талабларини, 11-боб, 77-бандида кўрсатилган “Ҳайдовчи ҳаракатнинг серқатновлигини, транспорт воситаси ва юкнинг хусусияти ҳамда ҳолатини, йўл ва об-ҳаво шароитини, шунингдек ҳаракатланиш йўналишидаги кўринишни ҳисобга олган ҳолда транспорт воситаси тезлигини белгилангандан оширмасдан бошқариши керак. Тезлик ҳайдовчига ушбу қоидалар талабларини бажариш учун транспорт воситасининг ҳаракатини доимий назорат қилиб бориш



имкониятини бериши керак, ҳаракатланиш вақтида ҳайдовчи аниқлай олиши имкониятидаги хавф юзага келса, у транспорт воситасининг тезлигини у тўла тўхташни таъминлайдиган даражада камайтириши ёки тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавф туғдирмаган ҳолда айланиб ўтиш чораларини кўриши керак” деб кўрсатилган талабларни кўпол равишда бузиб, Қўқон шаҳар, Гузар кўчаси ва Сарбоз кўчалари кесишган чорраҳасида светофорни “яшил” чироғида ҳаракатланиб келаётган Хайдаров Сохибжон Назирович бошқарувидаги “Cobalt” русумли 40 Q 388 LA давлат белгили автомашинасини ўтказиб юбормасдан уни йўлига чиқиб юбориб йўл транспорт ҳодисаси содир этган. Натижада “Cobalt” русумли 40 Q 388 LA давлат белгили автомашинаси йўловчиси М.Хайдарова тан жароҳати билан шифохонага ётқизилган.

Ўтказилган судга оид-тиббий экспертизанинг 2021 йил 11 октябрь кунги 7720-сонли хулосасида, М.Хайдаровада кўшалоқ шикастланиш, бош мия калла ёпиқ шикасти, бош мия чайқалиши, ўнг томондан 4-5-6-қовурғаларни синиши, ўнг ва чап кўз атроф ковоқ соҳалари қонталаш, аниқланиб, бу тан жароҳатлари “Ўрта оғир” шикастлар тоифасига киришлиги кўрсатилган.

Жабрланувчи М.Хайдарова жиноят иши юзасидан ярашувга розилик билдириб, ариза билан мурожаат қилиб, судланувчи Ж.Шеркузиев айбига иқрор бўлиб, содир этган қилмиши юзасидан кечирим сўраганлигини, даволаниши билан боғлиқ барча сарф-ҳаражатларни тўлиқ қоплаб берганлигини, у билан ўзаро келишиб олишганлигини, унга ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, аризани ўз ҳохиши билан ёзганлиги, унга бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Фуқаровий даъвогар С.Хайдаров жиноят иши юзасидан ярашувга розилик билдириб, ариза билан мурожаат қилиб, судланувчи Ж.Шеркузиев айбига иқрор бўлиб, содир этган қилмиши юзасидан кечирим сўраганлигини, у билан ўзаро келишиб олишганлигини, унга ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, аризани ўз ҳохиши билан ёзганлиги, унга бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Судланувчи Ж.Шерқўзиев суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, айбига ўз ихтиёри билан тўлиқ иқрор эканлиги, қилмишидан пушаймонлиги, содир этган қилмишининг оқибатларини англаганлиги, жабрланувчи ва фуқаровий даъвогарга етказилган зарарни тўлиқ қоплаганлигини, ҳозирда жабрланувчи ва фуқаровий даъвогар билан бирон-бир тазйиқсиз ярашиб олганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасига мувофиқ, ЖК 266-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган



зарарни бартараф этса, ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд, жабрланувчи М.Хайдарова, фуқаровий даъвогар С.Хайдаров ва судланувчи Ж.Шерқўзиевни ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши хужжатлари билан ўрганиб, тарафларнинг жиноят ишини ярашганлик муносабати тугатиш ҳақидаги фикрларини эшитиб, судланувчи Ж.Шерқўзиевнинг муқаддам судланмаганлиги, айбига ихтиёрий иқдорлиги ва етказилган зарарни тўлиқ қопланганлиги, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ва судланувчига бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув судланувчи ва жабрланувчи, фуқаровий даъвогарнинг хоҳишлари билан бўлаётганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасига мувофиқ, ярашувга тушишини инобатга олиб, Ж.Шерқўзиевга нисбатан юритилган жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддасининг 4-қисми, 585-586 моддаларига амал қилиб, суд

#### А ж р и м қ и л д и

Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисми билан айбланган Шерқўзиев Жаҳонгир Рафиқжон ўғли ЖК 66<sup>1</sup>-моддасига асосан жиноий жавобгарликдан озод этилсин.

Шерқўзиев Жаҳонгир Рафиқжон ўғлига нисбатан жиноят иши Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддаси 4-қисмига асосан тугатилсин.

Ж.Шерқўзиевга нисбатан қўлланилган муносиб ҳулқ-атворда бўлиш ҳақидаги “тилхат” эҳтиёт чораси ажрим қонуний кучга кирган кундан бекор қилинсин.

Ажрим устидан тарафлар йигирма кун ичида Фарғона вилоят судига апелляция тартибида хусусий шикоят бериши ёки хусусий протест билдириши мумкин.

*Ажрим нусхаси аслига тўғри.*

Раислик қилувчи

Н.Саломов



Ҳужжат имзоланган: Саломов Нодир Қурбонович, 17.02.2022

